



Ислом Нури

«Аҳлуссунна вал-жамоа» жумласининг маъноси

«ас-Сунна» (суннат) сўзининг лугавий маъноси:

«ас-Сунна» сўзи «санна, ясинну ва ясунну, саннан» сўздан ясалган бўлиб «маснун» исм мафъул (килинган нарса) маъносидадир. Араблар: «Саннал-амра» дейдилар. Бунинг маъноси: «Ишни баён килди», демакдир.

«ас-Сунна» (суннат) яхши бўлсин, ёмон бўлсин йўл ва турмуш тарзидир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизлар ўзларингиздан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларига изма-из эргашасизлар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари). Яъни — диний ва дунёвий ишларидаги йўлларига (эргашасизлар).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Ким Исломда яхши йўлни очса унга шу йўлнинг ва шу йўлга ундан кейин амал килган кишиларнинг савоби ҳеч кам бўлмай берилади. Ким Исломда ёмон йўлни очса ... ” (Имом Муслим ривояти). Яъни бу хадисдаги “суннат — йўл” дан мақсад, “турмуш тарзи” дир (Каранг: “Лисанул-араб”, “Мухторус-сихох” ва “ал-Комусул-мухит”: “сунан” моддаси).

“ас-Сунна” сўзининг истилоҳда кўлланиши:

“ас-Сунна” (суннат) нинг истилоҳий маъноси — “расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам баён килган илм, эътиқод, сўз, амал ва тақрирлари (ул зотнинг олдида бир амал килинса унга эътироз килмасликлари)дир. “Суннат” сўзи ибодат ва эътиқодлардаги суннатлар учун ҳам истеъмол килинади. “Суннат” нинг зидди — “бидъат” дир.



Ислом Нури

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Ичингиздаги мендан сўнг яшайдиган кишилар кўплаб ихтилофларни кўрадилар. Унда сизлар менинг ва хулафои рошидийнларнинг суннатларини махкам тутинглар!” (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунани Аби Давуд”).

“ал-жамоа” сўзининг лугавий маънолари:

“ал-жамоа” сўзи “ал-жамъ” (бир нарсани томонларини якинлаштириш билан

бирлаштириш) сўзидан ясалган. У — “таркоклик” нинг зиддидир.

Одамларнинг кўп сони “ал—жамоа” (жамоат) деб аталади. Муайян мақсад бирлаштирган одамлар гуруҳи ҳам “ал-жамоа” (жамоат) деб аталади.

Бир иш учун тўпланган одамлар ҳам “ал-жамоа” (жамоат) дейилади (Каранг: “Лисанул-араб”, “Мухторус-сихох” ва “ал-Комусул-мухийт”: “жамъ” моддаси).

“ал-жамоа” сўзининг истилоҳда кўлланиши:

Мусулмонлар жамоати — Ислом умматининг Аллох таъолонинг китоби ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннати асосида бирлашган ҳамда зохиран ва ботинан расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг йўлидан юрган саҳобалар, тобиинлар ва киёмат кунига қадар уларга яхшилик билан эргашган кишилардир.

Аллох таъоло ўзининг мўъмин бандаларини бирлашиш ва ҳамкор бўлишга буюриб, таркоклик, ихтилоф ва нафратланишдан қайтарди. Аллох таъоло деди: “Барчангиз Аллохнинг арконини махкам



Ислом Нури

ушланглар ва таркок бўлманглар!” (Оли Имрон: 103)

“Сизлар очик хабарлар келганидан сўнг таркок бўлган ва ихтилофларга берилган кимсалар каби бўлманглар!” (Оли Имрон: 105).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Бу миллат етмиш учга бўлинади. Шундан етмиш иккиси жаханнамда ва бири жаннатда. У жамоатдир” (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунан Аби Давуд).

“Жамоатни лозим тутинглар ва таркокликдан узок бўлинглар! Чунки, Шайтон ёлғиз киши билан бирга, икки кишидан узокрокдир. Жаннат кенгликларини хохлаган киши жамоатдан айрилмасин!” (Имом Ахмад “Муснад” ларида ривоят килди. Шайх Албоний Ибн Абу Осимнинг “ас-Сунна” китобида келган бу хадисни “сахих” деди).

Буюк саҳоба Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху: “Хакикатга мувофиқ бўлсанг — танҳо ўзинг-да жамоатсан”— деди (ал-Лалакаий: “Шарху усули эътиқоди ахлуссуннати вал-жамоа”).

“Ахлуссунна вал-жамоа”

“Ахлуссунна вал-жамоа” расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ва саҳобаларнинг йўлларини тутганлар, уларга эътиқод, сўз ва амалда эргашган, уларнинг йўлидан юрган ҳамда шу эргашишларида сабот билан турган ва бидъатлардан узок бўлган кимсалардир. Улар киёмат кунига қадар боқий, зохир ва мададлангандирлар. Уларга эргашиш хидоят, хилоф қилиш эса залолатдир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” бошқа жамоатлардан ўзининг баъзи белгилари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. У белгиларнинг



Ислом Нури

баъзилари куйидагилардир:

1. “Ахлуссунна вал-жамоа” — эътикод, аҳкомлар, ёки турмуш тарзида бўлсин, меъёрдан ошиш ва сусайиш ўртасидаги мўътадиллик сохибидир. У Ислом уммати барча динлар ичида мўътадил бўлганидек, Ислом умматининг ичида ҳам мўътадилдир.
2. “Ахлуссунна вал-жамоа” — ҳукмларни олишда Куръон ва суннатга чекланади. У иккисига катта аҳамият бериб, уларнинг матнларига тўла таслим бўлади ва уларни салаф солиҳ тушунчасига биноан тушунади.
3. “Ахлуссунна вал-жамоа” нинг унинг барча сўзларини олиб, унга муҳолиф бўлган сўзларни тарк қиладиган ягона имомлари бор у ҳам бўлса — Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламдир. “Ахлуссунна вал-жамоа” — расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳаёти, сўзлари ва қилган ишларини билувчирок кимсалар бўлганлари учун, улар суннатни севувчирок, суннатга эргашишга харисрок ва суннатга амал қилган кишиларни каттик яхши кўрувчи жамоадир.
4. “Ахлуссунна вал-жамоа” — диндаги хусуматларни тарк қилишлари, хусуматчилардан узок бўлишлари, ҳалол-ҳаром масалаларида баҳс ва тортишувни тарк қилишлари ҳамда динга комил суратда қиришлари билан фарқлидирлар.
5. “Ахлуссунна вал-жамоа” — салаф солиҳни ҳурмат қилади ва: “уларнинг тутган йўллари тўғри, илм жихатидан қучли ва ҳикматлироқдир” — деб эътикод қилади.
6. “Ахлуссунна вал-жамоа” — нақлни ақл устига муқаддам қўйиш ва



Ислом Нури

аклни наклга бўйсундириш билан бирга таъвилни тарк килади ва шариатга тўла бўйсунди.

7. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — бир масала хақидаги ривоятларни жам килади ва мужмалларини аниқ-равшанларига кайтаради.

8. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — хақиқат узра ўзгармасдан сабот билан туришлари, эътиқод масалаларида иттифок келишлари, илм ва ибодат ўртасини, Аллох таъолога таваккул ва сабабларни ушлаш ўртасини жамлашлари, дунё ишларига киришиш ва унда такво килиш ўртасини, хавф ва умид, мухаббат ва нафрат, мўъминларга мулойимлик ва кофирларга каттиккўллик ўртасини жамлашлари ҳамда замон ва маконга караб ўзгармасликлари билан хақиқат ва тўғри йўлни кўрсатувчи солиҳ кишиларнинг етакчисидир.

9. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — Ислом, суннат ва жамоатдан бошқаси билан исмланмаганлар.

10. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — соғлом ақида ва тўғри динни ёйишга ва одамларга таълим бериш, тўғри йўлга далолат ва насихат килиш ҳамда уларнинг ишларига ахамият беришга харис бўлади.

11. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — сўзлари, ақидалари ва даъватларида одамларнинг энг бардошлиларидир.

12. “Аҳлуссунна вал-жамоа” — бирлашиш ва иттифокликка, унга чақиришга, таркоклик ва ихтилофларни тарк этиб, одамларни ундан огохлантиришга харисдир.

13. Аллох таъоло “аҳлуссунна вал-жамоа” ни бир-бирлари устидан “кофир” дея хукм чикаришдан саклади. “Аҳлуссунна вал-жамоа”



Ислом Нури

бошкалар устидан илм ва адолат билан ҳукм чиқаради.

14. “Ахлуссунна вал-жамоа” — ўзаро мухаббатли, меҳрибон ва ҳамкор бўлиб, бир-бирларининг камчиликларини тўғрилайдилар ҳамда яхши ва ёмон кўришлари дин асосида бўлади.

Хуллас, “ахлуссунна вал-жамоа” — гўзал хулкли, Аллох таъолога итоат қилиш билан нафсларини тарбия қилувчи, узокни кўрувчи, ихтилоф ўринларида кўнгиллари кенг ва ихтилоф одоблари ва асосларини яхши билган жамоатдир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” нинг сифатлари ҳақидаги сўзларнинг хулосаси:

“Ахлуссунна вал-жамоа” — расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам барча гуруҳлар ичида жаханнам азобидан қутулгани ҳақида башорат берган ягона жамоатдир. Табиийки, бу сифатга эга бўлиш суннатга эргашиш, расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган эътиқод, ибодат, хидоят йўли, одоб – ахлоқларга мувофиқ бўлиш ва муслмонлар жамоатини лозим тутиш асосига биноандир.

Бу билан “ахлуссунна вал-жамоа” деб берилган таъриф “салаф” деб берилган таърифдан ажралиб қолмайди. Зеро, “салаф” Куръон Каримга амал қилиб, суннатни маҳкам ушлаган жамоатдир. Демак, “салаф” — расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам тарбияларига эътибор берган суннат ахллари, “ахлуссунна” эса “салаф солих” ва уларнинг йўлларига эргашган кишилардир.

Бу — “ахлуссунна вал-жамоа” нинг ўзига хос маъносидир. Бу маънодан хавориж, жаҳмийя, муржиа, рофиза ва булардан бошқа бидъатчи ва



Ислом Нури

нафс-хавосига эргашган жамоатлар четдадир.

Чунки, суннат бидъатнинг, жамоат эса таркокликнинг зиддидир. Бу расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан жамоатни лозим тутиш ва таркокликдан кайтариш хакида ривоят килинган хадисларнинг гоёсидир.

Абдуллох ибн Аббос разияллоху анху Аллох таъолонинг: “Баъзи юзлар нурафшон ва баъзи юзлар тим-кора бўлган кунда” (Оли Имрон: 106) оятининг тафсирида: ““Ахлуссунна вал-жамоа” нинг юзи оппок, бидъатчи ва таркок кишиларнинг юзлари кора бўлади”, деди (Ибн Касир тафсири: 1/ 390).

“Ахлуссунна вал-жамоа” нинг умумий маъноси ичига эса, рофизалардан бошка, Ислом динига мансуб бўлган барча мусулмонлар кирадилар. Гохо баъзи бидъатчи ва нафс-хаволарига эргашган кишиларни ҳам баъзи бир эътиқодий масалаларда адашган гурухларга мухолиф бўлганлари учун “ахлуссунна” деб аталади. Бу маъно баъзи эътиқодий масалаларга чеклангани ва баъзи муайян гурухларнинг мукобилида бўлгани учун “ахлуссунна вал-жамоа” уламолари ўртасида жуда ҳам кам истеъмол килинади. Масалан: халифалик, сахобалар ва бошка эътиқодий масалаларда рофизаларга карши ўларок “ахлуссунна вал-жамоа” сифатини истеъмол килиш мумкин.

“Ахлуссунна вал-жамоа” нинг зидди бидъат ахллари дидир. Уларнинг асосийлари бешта бўлиб, улар: хавориж, рофиза, муржиа, кадариийя ва жахмийялар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” уламоларининг истилохида “салаф солих” сўзи “ахлуссунна вал-жамоа” истилохига мутаносибдир. Шунингдек,



Ислом Нури

“Ахлул-асар”, “Ахлул-хадис”, “ат-Тоифатул-мансура”, “ал-Фиркатун-ножия” ва “ахлул-иттибоъ” исмларини ҳам “ахлуссунна вал-жамоа” учун истеъмол қилинади. Бу исмлар салаф уламолари тарафидан қўплаб ишлатилган.

“Ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг хусусиятлари

Нима учун салаф солих акидаси эргашишга лойикрок?!

Соғлом ақида — Ислом динининг асосидир. Бундан бошқа нарсаларга асосланган ҳар-бир нарсанинг оқибати — емирилиш ва барбодликдир. Шунинг учун ҳам, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ўзгармас асос устида тарбияланган кишиларни чиқариш учун ҳаётлари давомида саҳобаларининг қалбига ушбу эътиқодни маҳкам ўрнатишга катта эътибор берганларини қўрамиз.

Макка шаҳрида ўн уч йил давомида Куръон Карим ягона масала — эътиқод ва Аллохнинг тавҳиди ҳақида нозил бўлди. Тавҳид акидаси муҳим иш бўлгани учун расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Макка шаҳрида фақат унга даъват этдилар ва саҳобаларини унга қўра тарбия қилдилар.

Салаф солих эътиқодини ўрганишнинг аҳамияти соғлом эътиқодни баён қилиш, одамларни унга қайтариш ва уларни гуруҳларнинг янглишликлари ва жамоатларнинг ихтилофларидан ҳалос қилиш йўлида жиддий ҳаракат қилишнинг зарур эканига боғлиқдир. Бу эса даъватчилар энг аввал даъват этиши керак бўлган нарсадир.

Салаф солихнинг акидаси

Салаф солих акидасининг ўз қийматлари ва шу акидани ушлашнинг



Ислом Нури

зарур эканини кўрсатиб берадиган белгилари ва хусусиятлари бор.

Биринчидан: бу акида мусулмонлар оммасини умуман, олим ва даъватчиларни хусусан, таркоклик ва гурухбозликдан кутулишлари ҳамда уларнинг сафларини бирлаштириш учун ягона йўлдир. Чунки, бу акида — Аллохнинг вахийси, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг йўлланмаси ва карвоннинг аввали — саҳобаларнинг йўлидир. Бу акидадан бошқасига жамланишнинг охириги натижаси, бугунги кунда кўриб турганимиздек, таркоклик, келишмовчилик ва муваффақиятсизликдир. Аллох таъоло деди: «Ким хидоят аник бўлганидан сўнг пайгамбарга хилоф иш килса ва мўъминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича кўйиб берамиз ва жаханнамга дохил киламиз. У накадар ёмон жойдир!» (Нисо: 115).

Иккинчидан: салаф солиҳ акидаси мусулмонлар сафини бирлаштиради, қувватлайди ва уларни ҳақ йўлида ва ҳақ узра жамлайди. Чунки, у Аллох таъолонинг ушбу сўзига ижобатдир: “Аллохнинг арконини маҳкам ушланглар ва таркок бўлманглар!” (Оли Имрон: 103).

Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг ихтилофларининг энг муҳим сабабларидан бири уларнинг ҳукмларни олиш манбалари ва ҳаракат йўлларининг хилма-хил бўлишидир. Умматни бирлаштириш учун акида ва ҳукмларни олиш манбаъларини бирлаштириш, саҳобаларда бўлгани каби ўта муҳимдир.

Учинчидан: ушбу акида мусулмонни бевосита Аллох таъоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга, у иккисини севиш, улуглаш ва улардан олдин бирор иш ёки ҳукмни шошилиб килиб қўймасликка боғлайди. Чунки, салаф солиҳ акидасининг манбаси



Ислом Нури

“Аллох айтди” ва “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтди” дир. Бу акида нафс-хаво ва шубхалар ўйинидан йирок, фалсафа, мантик ва аклини устун кўйиш каби бегона таъсирлардан ҳамда бошқа манбаъларни киритишдан холидир.

Тўртинчидан: салаф солих акидаси — чигалликлар ва ноаникликлари бўлмаган очик-равшан, нафс учун рохат, оят ва хадисларни ўзгартишдан узоқ, кулай акидадир. Бу акидадаги инсон хотиржам, кўнгли тўқ, шак-шубхалар ва шайтон васвасаларидан йирок, бахтли инсондир. Чунки, у шу Умматнинг пайгамбари — соллаллоху алайхи ва саллам — ва унинг саҳобаларининг — Улардан Аллох рози бўлсин — йўлидан бормокда. Аллох таъоло деди: “Аллохга ва унинг расулига иймон келтирган сўнгра моллари ва жонлари билан Аллох йўлида жиход қилган мўъминлар, ана ўшаларгина хақиқий содиқдирлар” (Хужурот: 15).

Бешинчидан: салаф солих акидаси Аллох таъолога яқин бўлиш ва унинг розилигига эришиш сабабларининг энг буюғидир.

Бу белги ва имтиёзлар “ахлуссунна вал-жамоа” учун доимо собитдир. Аллохга ҳамдлар бўлсинки, у замон ва маконларга қараб ўзгармайди.

(Кенгроқ маълумотлар олиш учун доктор Носир ибн Абдулкарим Аклнинг “Мафхуму ахлис-суннати вал-жамоати инда ахлиссуннати вал-жамоати” (Суннат ва жамоат тушунчаси) китобига қаралсин. у бу мавзунини муфассал баён қилган. Аллох таъоло унга кўплаб савоблар берсин. Бундан ташқари Муҳаммад Абдулҳодий Мисрийнинг “Маолиму интилакотил-кубро инда ахлиссуннати вал-жамоати” ва Аҳмад Фариднинг “Ҳасоису ахлиссуннати вал-жамоати” китобига



Ислом Нури

мурожаат этилсин).

Кенгрок маълумот олиш учун каранг: ибн Батта ал-Абқарийнинг “ал-Ибона” китобининг мукаддимаси. Бу мукаддимани тадқиқотчи олим доктор Ризо ибн Наъсон (Аллох ундан рози бўлсин) ёзган ва бу мавзуда кенг маълумотлар берган. “Мабахисфий акидати ахлиссуннати вал-жамоати ва мавкифул-харакатил-исламийяти минха” китобининг “Мин хасоисил-акидатил-исломийяти ва иттибаиха” боби, 29- бет. Муаллиф доктор Носир ибн Абдулкарим Акл)

(Биз шу ердан “Салафийлик исломий йўналиш эмас, балки, муваккат боскич, холос” — деб айтилаётган даъволарнинг нотўғри эканлигини биламиз. Чунки, салаф йўналиши икки буюк асосни ўз ичига олади:

Биринчи: чиройли намуна.

Иккинчи: эргашиладиган соғлом дастур.

Чиройли намуна — саҳобалар, тобиинлар ва тобиинларга яхшилик билан

эргашган кишиларнинг уч асри.

Дастур эса — у уч асрда акидани тушуниш, далилларни олиш, илм, иймон ва шариатнинг барча кирраларини тушунилган услуб.

Бундан кўриниб турибдики, “салафийя” деб сифатланиш бу йўлни танлаган кишилар учун шарафдир. Чунки, у одамнинг солих ажодлари — салафи бордир. улар пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг гувоҳлиги билан Ислом умматининг энг хайрлисидир. Бирок, “салафийя” номини, шу ном ўз ичига олган акида ва амални



Ислом Нури

зохиран ва ботинан рўёбга чиқармай олишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқдир).